

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА РАҚАМЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Соғлиқни сақлаш соҳасини рақамлаштириш ва ахборот тизимлари ягона комплексини жорий этиш, бошқарув жараёнидаги ортиқча тартиб-тамоилларни қисқартириш, аҳолига хизматлар курсатиш сифатини ошириш, тиббиёт ходимларининг иш самарадорлигини таъминлаш, шунингдек, ушбу йўналишда қабул қилинган рақамли трансформация қилиш дастурларини самарали амалга ошириш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази" давлат унитар корхонаси негизда Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассислигида "IT-Med" масъулияти чекланган жамиятини (кейинги ўринларда — "IT-Med" МЧЖ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, "IT-Med" МЧЖ "Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази" ДУКнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. "IT-Med" МЧЖ зиммасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин: соғлиқни сақлаш тизими ва ташкилотларидаги жараёнларни оптимallasштириш, рационаallasштириш, стандартлаштириш ва автоматлаштириш;

соғлиқни сақлаш соҳасида ахборот тизимларини ривожлантириш учун амалга ошириладиган ҳамда халқаро молия ташкилотлари ҳисобига молиялаштириладиган лойиҳаларнинг техник-иқтисодий параметрлари, концепциялари ҳамда бошқа лойиҳа ва лойиҳаларни ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

тиббиёт ва фармацевтика соҳасида ахборот технологияси ва коммуникациялари сиёсати ва стандартларини жорий этиш;

"Электрон соғлиқни сақлаш" ахборот тизимлари ягона комплексини жорий этиш ва кузатиб бориш, шунингдек, уларнинг бошқа давлат органлари ахборот тизимлари билан интеграциясини таъминлаш;

соғлиқни сақлаш тизимида бизнес жараён ва IT-реинжинирингини ривожлантириш ва ушбу йўналишда халқаро тажрибани амалиётга татбиқ этиш; қўйилган вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида инвесторлар, бизнес ҳамкорлар ва аутсорсинг хизматларини жалб қилиш;

тиббиёт соҳасини рақамлаштириш қўламини кенгайтириш мақсадида жорий этилаётган ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни ўзида қамраб олувчи соғлиқни сақлашнинг ахборот тизими ягона платформаси (кейинги ўринларда — Ягона платформа)ни жорий этиш.

Бунда, "IT-Med" МЧЖ мустақил равишда хўжалик ва молиявий масалаларни ҳал қилиши инobatга олинсин.

3. Қуйидагилар "IT-Med" МЧЖнинг фаолиятини асосий молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

янги ахборот тизимларини жорий қилиш, шунингдек, корхона, муассаса ва ташкилотларга хизмат курсатишдан тушадиган маблағлар;

"IT-Med" МЧЖнинг устав жамғармасига белгиланган тартибда киритиладиган инвесторлар маблағлари;

халқаро молия институтлари ва ташкилотлари грантлари; ташқи бегараз кўмак маблағлари (грантлар, техник кўмаклар ва бошқалар);

юрidik ва жисмоний шахслар, шу жумладан, нерезидентларнинг хайрия маблағлари; қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. "IT-Med" МЧЖга: соғлиқни сақлаш соҳасида ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини яратиш, ривожлантириш, жорий қилиш, кузатиш ва хизмат курсатиш вазифаларини тегишли ташкилотлар билан тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга оширишга;

▶ Давоми 2-бетда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ЗАРГАРЛИК САНОАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, соҳада рухсат бериш тартиб-таомилларини такомиллаштириш ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, бунинг асосида янги иш ўринларини яратиш ва ёш мутахассисларни тайёрлаш ҳисобига кадрлар салоҳиятини мустақамлаш мақсадида:

1. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Марказий банк ва "Ўзбекзаргарсаноати" уюшмасининг 2023 йил 1 мартга қадар заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларга қимматбаҳо металлларни тўғридан-тўғри шартнома асосида ёки кечиктириб тўлаш шarti билан сотиш тартибини жорий қилиш бўйича таклифларни маъқуллансин.

Белгилансинки:

қимматбаҳо металлларни ишлаб чиқариш бўйича давлат буюртмаси доирасида "Навоий кон-металлургия комбинати" АЖ ва "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" АЖ томонидан заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларга қимматбаҳо металллар кейинчалик хомашё кўринишида қайта сотиш ҳуқуқисиз тўғридан-тўғри шартнома асосида ёки товар-хомашё биржаси орқали нархнинг 15 фоизлик аванс тўловини амалга оширган ҳолда 180 кунга кечиктириб тўлаш шarti билан сотилади;

заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар қимматбаҳо металлларни тўғридан-тўғри шартнома асосида сотиб олиш учун "Навоий кон-металлургия комбинати" АЖ ва "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" АЖга қимматбаҳо металлларга бўлган эҳтиёжини курсатган ҳолда муржаат қилади;

заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар товар-хомашё биржаси орқали 180 кунга кечиктириб тўлаш шarti билан олинган қимматбаҳо металллар учун тўловни кафолатлаш мақсадида "Навоий кон-металлургия комбинати" АЖ ва "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" АЖ билан келишилган ҳолда "Ўзмиллибанк" АЖ кафолатини тақдим этади;

"Ўзмиллибанк" АЖ товар-хомашё биржаси орқали 180 кунга кечиктириб тўлаш шarti билан сотилган қимматбаҳо металллар учун банк кафолатини шартнома суммасининг 85 фоизгача (85 фоизи ҳам киради) миқдорда йиллик 2 фоизгача комиссия ундирган ҳолда тақдим этади;

сотиладиган қимматбаҳо металл бўйича "Навоий кон-металлургия комбинати" АЖ ва "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" АЖ билан ҳисобкитоблар тўлов кундаги Лондон қимматбаҳо металл биржасининг эрталабки фиксинг нархи ва Марказий банкнинг курсидан келиб чиқиб амалга оширилади;

марварид, олмос ва қимматбаҳо тошларга импорт божхона божлари солинимайди (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3818-сон қарорига 1-илованинг 7101-7104 ТИФ ТН позициялари).

2. Белгилаб қўйилсинки, 2021 йилда кечиктириб тўлаш шarti билан сотиш учун зарур ҳажмдаги қимматбаҳо металллар "Навоий кон-металлургия комбинати" АЖ ва "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" АЖ томонидан биржа савдолари орқали ва тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотиладиган қимматбаҳо металллар ҳажми доирасида ажратилади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Марказий банк ва "Ўзбекзаргарсаноати" уюшмаси билан биргаликда 2022 ва 2023 йиллар учун Қимматбаҳо металлларни ишлаб чиқариш бўйича давлат буюртмасини шакллантиришда кечиктириб тўлаш шarti билан сотиш учун зарур ҳажмдаги қимматбаҳо металллар ажратилишини назарда тутсин.

▶ Давоми 2-бетда

## ЁШЛАР — ЎЗБЕКИСТОННИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИ

### КЕЛАЖАК УЧУН ЭНГ САМАРАЛИ САРМОЯ



Аҳрор САИДОВ,  
Тошкент Халқаро Вестминстер  
университети талабаси

Устозларимизнинг айтишича, авваллари чекка қишлоқлардаги ўқувчилар кўрimsиз ва қаровсиз, деворлари нураган ва пастқам хонали мактаб биноларида ерда ўтириб таълим-тарбия олган эканлар. Улар компьютер у ёқда турсин, оддий лингафон нималигини билмаган. Бу ҳозирги ёшлар учун эртақдек туюлиши мумкин, аммо ҳақиқат. Шукрки, бугунги навқирон авлод ҳуқуқатимиз ва давлатимиз раҳбарининг беқиёс ғамхўрлиги туфайли кўркам биноларда, кенг, ёруғ ва замонавий аудиторияларда таълим оляпмиз.

▶ Давоми 4-бетда

## МУНОСАБАТ

### МАМЛАКАТИМИЗ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО МАЖБУРИЯТЛАРИГА ҚАТЪИЙ СОДИҚ ҚОЛАДИ



Қаландар АБДУРАҲМОНОВ,  
Ўзбекистон Фанлар  
академияси академиги

Янги Ўзбекистон жаҳонда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва уларга амал қилишни давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантирган, ушбу соҳада янги-янги халқаро ташаббуслар муаллифига айланган давлат сифатида танилмоқда ва эътироф этилмоқда. Бунинг самараси ўларок, мамлакатимиз тарихда биринчи марта БМТ тизимидаги энг нуфузли ҳуқуқатлараро органлардан бири — Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси этиб сайланди.



2021 йил 22 февралда ватандошларимиз яна бир тарихий воқеанинг гувоҳи бўлди — Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг 46-сессиясида нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбарининг қарата "Ўзбекистон, Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқларига оид умумэътироф этилган принцип ва нормаларини қатъий ҳимоя қилади ва фаол илгари суради", деб ишонч билдирди.

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72- ва

75-сессияларида БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини, Маърифат ва диний бағрикенглик, Барқарор тараққиёт мақсадида қилиш эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги резолюцияларни, пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни қабул қилиш юзасидан билдирган ташаббуслари жаҳон ҳамжамияти томонидан мамнуният билан қабул қилинди ва қўллаб-қувватланди.

▶ Давоми 3-бетда

## ОБОДЛИК ЯРАШГАН МАНЗИЛЛАР



### ЯНГИЛАНИШЛАРДАН ЮКСАЛАЁТГАН АНДИЖОН

Худуди нисбатан кичик, аҳолиси зич бўлса-да, одамларининг меҳмондўстлиги, кенг феъллиги билан танилган Андижон бугун янада чирой очмоқда. Давлатимиз раҳбари бу вилоятда, энг аввало, уй-жой, кейин бандлик масаласи бирламчи эканини кўп таъкидлайди. Вилоятда яқин-яқингача ҳам бир ҳовлида уч, тўрт, ҳатто бештагача оилалар яшаётган ҳолатлар талайгина эди. Бугун уларнинг кўп қисми Президентимиз олиб бораётган халқчил сиёсат туфайли ўз оиласи билан алоҳида уйларда истиқомат қиляпти, ҳаётдан рози бўлиб яшайпти.

▶ Давоми 5-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА РАҚАМЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда, соғлиқни сақлаш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича шартнома асосида молиялаштириладиган вақтинчалик меҳнат жамоасини шакллантиришга;

юкланган вазибаларни амалга ошириш доирасида малакали мутахассисларни, шу жумладан, чет эллик мутахассисларни маслаҳатчи сифатида тўғридан-тўғри шартномалар асосида жалб қилишга рўхсат берилсин.

5. Белгилансинки: 2024 йил 1 январдан бошлаб республикадаги барча тиббиёт ва фармацевтика ташкилотлари, шу жумладан доирхоналар мажбурий тартибда босқичма-босқич Ягона платформага уланади;

соғлиқни сақлаш соҳасидаги ахборот тизимлари, ресурслари ва бошқа дастурий маҳсулотларни яратиш ва жорий этиш мажбурий тарзда "IT-Med" МЧЖ билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

6. Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А.А. Азизов:

соғлиқни сақлаш тизимига Ягона платформани ўз вақтида, тўлақонли ва сифатли жорий қилиш, масъул вазирилик, идора ва ташкилотлар билан жорий этилаётган лойиҳаларни мувофиқлаштириш, амалга оширилган ишлар ҳолатини баҳолаш ҳамда мунтазам равишда соғлиқни сақлаш ва бошқа тизимлардаги раҳбар ва улар ўринбосарларининг ҳисоботларини эшитишни ташкил этсин;

Соғлиқни сақлаш вазирилик тизимининг рақамлаштирилишига инвесторларни жалб қилсин;

2023 йил 1 январга қадар аҳоли ва тизим фойдаланувчилари томонидан интерактив тиббий хизматларни олиш имконини берувчи махсус дастур ва мобил иловаларни ишлаб чиқсин ва ишга туширсин.

Ушбу бандда назарда тутилган вазирилик тўлақонли ва самарали амалга ошириш соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А.А. Азизов иш фаолияти натижадорлигининг асосий мезонларидан (KPI) бири этиб белгилансин.

7. "IT-Med" МЧЖ Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 4-ўй манзилида текин фойдаланиш хуқуқи асосида жойлаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

9. Соғлиқни сақлаш вазирилик манфаатдор вазирилик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2021 йил 23 февраль

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЗАРГАРЛИК САНОАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йил 1 апрелдан бошлаб:

а) заргарлик буюмларига асиллик даражаси тамғаси ва ишлаб чиқарувчининг шахсий тамғаси механик (зарб) ёки лазер усуллари ёрдамида туширишга рўхсат этилади. Бунда заргарлик буюмларига лазер усуллари ёрдамида туширилган шахсий тамғанинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш ишлаб чиқарувчининг зиммасига юкланади;

б) заргарлик буюмларига асиллик даражаси тамғаси ва ишлаб чиқарувчининг шахсий тамғаси билан тамғалаш усули заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар томонидан мустақил белгиланади;

в) аффинаж фаолиятини амалга ошириш хуқуқи учун лицензияга эга бўлган юридик шахсларга ўзлари ишлаб чиқарган ўлчовли ёмбиларни ҳисмоний ва юридик шахсларга сотишга рўхсат берилсин. Бунда, ёмбиларни сотиш нархи ҳисоб-китоб амалга оширилган санадаги Лондон қимматбаҳо металл биржасининг эрталабки фиксинг нархи ва Марказий банкнинг курсидан кам бўлмаган миқдорда ишлаб чиқарувчи томонидан мустақил белгиланади;

г) қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо (ярим қимматбаҳо) тошлардан ясалган заргарлик буюмларини ички ва ташқи бозорларда электрон тижорат орқали сотишга рўхсат берилсин;

д) қуйидаги ҳолларда қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар томонидан мижозни, унинг вакилини ва бенефициар мулкдорни текшириш (улардан шахсини тасдиқловчи ҳужжат, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, таъсис ҳужжатлари ва бошқа маълумотларни сураб олиш) талаб этилмайди;

нақд пулда ўзаро ҳисоб-китоб амалга оширилганда операциянинг умумий суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 600 бараваридан ошмаган тақдирда;

операциянинг умумий суммасидан қатъи назар, ўзаро ҳисоб-китоб нақд пулсиз ва ҳисмоний шахсларнинг пластик карталари орқали амалга оширилганда.

Бунда, мижоз, унинг вакили ва бенефициар мулкдорнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни

молиялаштиришга алоқадорлиги ҳақида асосланган шубҳалар мавжуд бўлган ҳолларда операциянинг суммаси ва тўлов шаклидан қатъи назар, мижозни, унинг вакилини ва бенефициар мулкдорни текшириш чоралари кўрилиши лозим.

4. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларни молиявий манба билан таъминлаш мақсадида кейинчалик микрокредитлар ажратиш учун "Ўзмиллийбанк" АЖга 30 миллион АҚШ доллари эквивалентда 7 йил муддатга, 3 йиллик имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасида 4 фоиз бандга паст фоиз ставкасида маблағ йўналтирсин.

5. Белгилансинки, "Ўзмиллийбанк" АЖ томонидан мазкур қарорнинг 4-бандида белгиланган маблағлар ҳисобидан заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларга ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлари ва хомашё харид қилиш, айланма маблағларини тўлдирish мақсадида қуйидаги шартларда микрокредитлар ажратилади:

300 миллион сўмгача бўлган миқдорда 3 йил муддатга, 6 ойгача имтиёзли давр билан;

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг каффиллиги ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа таъминот турлари асосида.

6. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилик "Ўзбекзаргарсаноати" уюшмаси билан биргаликда:

"Ўзбекзаргарсаноати" уюшмасининг асосланган буюртмаларига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги "Ишга марҳамат" мономарказлари ва касб-хунарга ўқитиш марказларида ҳамда "Устоз-шогирд" услубида заргарлик соҳасида талаб юқори бўлган йўналишлар бўйича замонавий кўникмалар асосида ёшлар учун ўқув курслар ташкил этилишини;

заргарлик соҳасидаги замонавий ва инновацион технологиялардан фойдаланишга ўргатиш жараёنларига ишлаб чиқарувчи ташкилотлар вакиллари ва улардан фойдаланиш кўникмаларига эга малакали мутахассислар жалб этилишини таъминласин.

7. 2021–2023 йилларда заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш, ёш мутахассисларни тайёрлаш ва яратилган янги иш ўринларининг мақсадида

параметрлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирилик, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилик, "Ўзбекзаргарсаноати" уюшмаси ушбу бандда назарда тутилган мақсадли параметрларга тўлиқ ва ўз вақтида эришилиши бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

8. Молия вазирилик Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2021 йил 1 майга қадар Солиқ кодексига қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгаришлар ва қўшимчаларни киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин:

қимматбаҳо металлларни ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган парчаларни ва чиқиндиларни, қимматбаҳо металлларнинг ўлчов пластиналари ва грануларлари, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган ярим тайёр маҳсулотларни реализация қилиш бўйича айланмани қўшилган қиймат солиғидан озод этиш;

2023 йил 1 мартга қадар "Ўзбекзаргарсаноати" уюшмасига аъзо бўлган заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи яқка тартибдаги тадбиркорларга "Хунарманд" уюшмаси аъзолари учун берилган солиқ имтиёзларини татбиқ этиш.

9. Бухоро, Самарқанд, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари Бухоро, Самарқанд, Наманган ва Қўқон шаҳарлари ҳудудларида жойлашган йirik бозорларнинг заргарлик буюмларини чакана сотишга ихтисослашган савдо расталари ўрнида миллий бренд асосида ишлаб чиқариладиган заргарлик буюмларининг замонавий курғазма-савдо дуконлари ва заргарлик савдо-ишлаб чиқариш марказларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

10. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирилик, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирилик, Ўзбекистон миллий заргарлик брендини жаҳонга танитиш мақсадида 2021 йилда

Дубай (БАА) шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган "World Expo — 2021", кейинчалик хорижий давлатларда ташкил этиладиган барча нуфузли курғазмалар доирасида заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари намойиш этилишини ташкил этсин.

11. Белгилансинки, 2023 йил 1 январга қадар заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро курғазмаларда иштирок этиш билан боғлиқ харажатларининг 50 фоизи Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан компенсация қилинади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирилик Инвестициялар ва ташқи савдо вазирилик билан биргаликда бир ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган компенсация беришининг вақтинчалик тартибни тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3818-сон қарорига 2-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгаришлар киритилсин.

13. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирилик Молия вазирилик, манфаатдор вазирилик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилсин.

14. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жаавобгар этиш Бош вазири ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва молия вазири Т.А.Ишметов белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2021 йил 22 февраль

Ш. МИРЗИЁЕВ

"ЯШИЛ" ЭНЕРГЕТИКА

ТАБИАТ ИНЪОМ ЭТАЁТГАН ИМКОНИАТЛАР

Абдурауф ҚОРЖОВОВ, иқтисодий шарҳловчи

Президентимиз бундан қарийб тўрт йил олдин Наманган вилоятига ташрифи чоғида кичик электр станцияларини барпо этиш лойиҳаси билан танишар экан, сувдан энергия олиш табиат инъом этган имконият эканини, бундай қувват қайта тикланиши, экологик тозаллиги ва арзонлиги билан афзал бўлишини таъкидлаганди.

Хорижий илғор технологиялар асосида мамлакатнинг барча ҳудудига кичик ГЭС лар қурилиши, келгусида электр таъминотининг катта қисмини ушбу манбалар ҳисобидан қоплаш юзасидан ўз тасвирларини берган эди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 2 майдаги қарори билан 2017–2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури маъқулланган эди. Унга қиймати жами 3 миллиард 400 миллион долларлик 65 та лойиҳа киритилган бўлиб, шундан 34 таси янги қувватларни ташкил этиш, 31 таси мавжудларни модернизация қилишга қаратилган. Бугунги кунда 1 минг 100 мегаваттлик 12 та лойиҳа ишга туширилган, 950 мегаваттлик яна 20 та лойиҳа якуний босқичда амалга оширилмоқда. Президентимизга жорий йилнинг 22 февраль кунин гидроэнергетика тармоғида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари тақдими чоғида худди шу масалалар билан бир қаторда соҳани трансформация қилиш бўйича бажарилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

МОДЕРНИЗАЦИЯ — ЎЗГАРИШЛАР ЖОН ТОМИРИ

Энг янги, замонавий деган маънони англаувчи модернизация сўзи иқтисодиётимиз луғатидан жой олганига анча бўлганига қарамай, гидроэнергетика соҳасига кириб келганига эндигина тўрт йил бўляпти. Лекин ана шу қисқа вақтда соҳада янгилаш, уни замонавий талабларга мувофиқ ўзгартириш ва янгилигини барпо этиш борасида олиб борилган ишлар ислохотларнинг нечоғлиқ жадаллигидан далolat беради.

Холбуки, Президентимизнинг 2017 йил 18 майдаги қарори асосида "Ўзбекгидроэнерго" АЖ ташкил этилган пайтда унинг таркибидаги



37 та ГЭС нинг аксарияти ўз умрини ўтаб бўлган, "эскини ямаб, эсинг кетади" қабилида ишлаб турган эди. Мисол учун, "Қодирия ГЭС лар каскади" унитар корхонаси таркибидаги учинчи иншоот 1933 йилда қурилган бўлиб, ўрнатилган умумий қуввати 13,2 МВтдан иборат. Қарийб 85 йилдан буён фаолият кўрсатаётган станциянинг 4 та агрегати ўз ишлаш қуввати самарадорлигини йўқотиб, тубдан таъмирга муҳтож бўлиб қолган эди.

Ушбу объектни модернизация қилиш бўйича қабул қилинган тегишли қарорга кўра, 2017 йилнинг декабрь ойида қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилди. Қарийб уч йил мобайнида бу ерда инвестициявий лойиҳа асосида техник қурилмаларни янги ва ўрнатиш, эҳтиёт қисмларни бутлаш ишлари бажарилди. Лойиҳалаш "Гидропроект" АЖ нинг малакали мутахассислари томонидан бажарилган бўлса, асосий гидротехник ускуналарни ХХРнинг Dongfang Electric International Corporation компанияси етказиб берди.

Қайд этиш жоиз, пандемия айни авжига чиққан, давлатлар чегараларида қатъий чекловлар ўрнатилганига қарамай, Ташқи ишлар ҳамда Инвестиция ва ташқи савдо вазирилик ходимларининг жонбозлиги туфайли хориждан зарур ускуналарнинг ўз вақтида келтирилишига эришилди.

2020 йил июль ойи охирида модернизация ишлари якунлангандан сўнг ГЭС нинг умумий қуввати 15,34 МВтга етказилди. Унинг электр

энергияси ишлаб чиқариш йиллик ўртача кўрсаткичи 124 миллион кВт. соатни ташкил этади.

Ўтган ҳафтада юртимизда "Гидротехника. Марказий Осие ва Каспий" бешинчи халқаро конгресси бўлиб ўтди, — дейди "Ўзбекгидроэнерго" АЖ бошқаруви раиси ўринбосари Ҳасан Ҳайдаров. — Унда Ўзбекистон, Тожикистон, Қозғоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Эрон, Арманистон, Россия, Грузия, Туркия давлатлари билан бир қаторда соҳа тараққиётига дахлдор бўлган бошқа мамлакатларнинг компаниялари ҳам иштирок этди. Тадбир "онлайн" шаклда 15 дан ортиқ давлатга намойиш қилинди.

Иштирокчилар "Қодирия ГЭС лар каскади" унитар корхонаси таркибидаги тубдан янгиланган иншоотга ҳам бўлди. Унинг тарихи ва бугунги кунининг ёрқин зарваракларни қамраб олган илҳам ва мўъжаз музей иштирокчиларда янши таассурот қолдирди. "Бизда ҳам шундай эски ГЭС лар бор, музейнинг авлодлар ўртасидаги ришталарни боғлашдаги ўрни теранроқ тушуниб етдим", деди меҳмонлардан бири.

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ҲАМ, ИНВЕСТИЦИЯ ҲАМ МУҲИМ

Тарих ва тақдирлар. Бу жиҳатлар уйғунлашиб, бугунги кун ўзгаришларига тамал тоши қўйиллапти, гидротехника соҳасида ҳам келгуси авлодларга ибрат бўлувчи яратувчанлик биткиларни битилляпти. Бунчи халқаро анжуманда билдирилган фикрлар, келтирилган

маълумотлар, келгусининг самарадор лойиҳалари ҳам тасдиқлайди.

Агар 2017 йилда гидроэнергетика тармоғида 1858 МВт. электр энергияси ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йил якуни бўйича ушбу қувват 2051 МВтга етиши кутилмоқда. 2026 йилда барча лойиҳалар эвазига ГЭС лар қувватини 2 949 МВтга чиқариш режалаштирилган.

2020 йилнинг ўзида "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти 18 та лойиҳа бўйича ишлаб, уларнинг 6 таси фойдаланишга топширилди. Ишга туширилган мазкур "яшил" энергетика иншоотларининг умумий қиймати 172 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, жами 118 МВт. қувват электр энергияси тизимига уланди. Электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича йиллик қўшимча 543 миллион кВт. соат ўсишга эришилди. Лойиҳалар ижроси доирасида 103 та янги иш ўрни яратилди.

— Қирғизистон мавжуд гидроэнергетика салоҳиятининг жуда кам қисмидан фойдаланяпти, — дейди "ВИЗ КР" уюшмаси ижрочи директори Элеонора Казакова. — Ўзбекистонда бу соҳада амалга оширилаётган лойиҳалар қармоғи кенгайиб бораётгани кувонарли ҳол.

— "Ўзбекгидроэнерго"нинг янги ГЭС лар қуриш, модернизация қилиш орқали мавжуд иншоотлар самарадорлигини ошириш бўйича улкан мақсадлари моҳиятини англашга интилляпти, — дейди "Неро ДЕЛТА" компанияси бош директори Олег Булдаков. — Бундан ташқари, Ўзбекистон иқлим ўзгаришлари бўйича Париж битимига қўшилган. Гидроэнергетика эса иқтисодиётнинг устувор тармоқлардан бири сифатида жадал ривожланмоқда. Осие тараққиёт банки ГЭС лар фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш учун 60 миллион доллар тақдим этяпти. Шу каби омилларнинг ўзи халқаро кооперация ва инвесторларга Ўзбекистонда янги, кенгайиб борадиган бизнесни юритиш имконини беради.

Ҳақиқатан шундай. Ҳозирги кунда "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти томонидан қиймати 3,4 миллиард АҚШ долларига тенг 65 та лойиҳа бўйича ишлар олиб борилмоқда. Ушбу маблағнинг 1,7 миллиард доллари ёки 48 фоизи хорижий инвестициялар улушига тўғри келмоқда.

РАҚАМЛАР ЗАМИРИДАГИ УЛКАН ИШЛАР

Жорий йилда умумий қиймати 1 миллиард 420 миллион доллар бўлган 16 та лойиҳа режалаштирилган. Хусусан, 11 та янги ГЭС қурилиб, 587 мегаватт электр қуввати яратилади. Қолган 5 та лойиҳага кўра, мавжуд станциялар

модернизация қилиниб, ишлаб чиқариш имконияти кенгайтирилади.

— Электр энергияси ишлаб чиқариш йиллик қўшимча қуввати 2,1 миллиард кВт. соатга тенг бўлган бу лойиҳаларни фойдаланишга топшириш учун умумий қиймати 1 420 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағлар йўналтирилади, — дейди Ҳасан Ҳайдаров. — Хусусан, 2021 йилда қуввати 8,2 МВт. "Қамолот" ГЭС, қуввати 38,2 МВт. "Зарчоб-2", ГЭС қурилиб, фойдаланишга топширилиши, "Фарход" ГЭС модернизациядан чиқарилиши режалаштирилган. Мазкур лойиҳалар бажарилиши натижасида йилга 207 миллион куб метр табиий газни иқтисод қилиш мумкин бўлади.

Президентимизга жорий йилнинг 22 февраль кунин гидроэнергетика тармоғида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари тақдими чоғида ушбу лойиҳалар, соҳанинг истиқбол салоҳияти, уни трансформация қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Осие тараққиёт банки грант маблағлари ҳисобига жалб қилинган Tractabel Engineering GmbH (Германия) компанияси томонидан юртимизнинг гидроэнергетик салоҳияти ўрганилиб, умумий қуввати 676 МВтга тенг бўлган 80 та истиқболли лойиҳа аниқланган. 2021 йил якунига қадар уларнинг иқтисодий самарадорлиги ва сув ресурсларининг ҳолати ўрганилиб, асосий режага қўшимча ва ўзгаришлар киритилиши мўлжалланмоқда.

— Соҳани трансформация қилиш бўйича амалга оширилган ишларга келганда, кейинги уч йилда ҳисобни-китобни такомиллаштириш бўйича марказлашган 1С дастури, молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлари (IFRS) жорий этилганлиги бу борада янги йўللар очилишига замин ҳозирлади, — дейди "Ўзбекгидроэнерго" АЖ матбуот котиби Равадан Бойқулов. — 2020 йилда PricewaterhouseCoopers халқаро аудит ташкилотидан "ижобий" хулосаси олинди. Шунингдек, Fitch Ratings томонидан ишлаб чиқарувчи корхоналар орасида биринчилардан бўлиб "Ўзбекгидроэнерго"га "В+" кредит рейтингини берилди.

Жамият 2021 йилда S&P Ratings томонидан иккинчи халқаро кредит рейтингини олишни режалаштирмоқда. Шу билан бирга, халқаро молия йўналишида Green Certification сертификатига эга бўлиш, IRENA билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, Green Energy Program дастурини жорий этиш, Марказий Осиеда биринчи бор Green sukuk исломий облигацияларини қўйиш имкониятларини ўрганиши вазифа қилиб қўйган. "Икс-Холдинг" халқаро кўп тармоқли IT-гуруҳи билан соҳанинг рақамли трансформацияси дастури ишлаб чиқилди. McKensley халқаро консалтинг компаниясини жалб қилиш орқали соҳани трансформация қилиш ишлари давом эттирилади.

МУНОСАБАТ

# МАМЛАКАТИМИЗ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО МАЖБУРИЯТЛАРИГА ҚАТЪИЙ СОДИҚ ҚОЛАДИ

Бошланғичи 1-бетда

Буни БМТ Бош Ассамблеясининг 73-сессиясида Ўзбекистон ташаббуси билан Маърифат ва диний бағрикенглик тўғрисидаги резолюция қабул қилинган ҳам исботлаб турибди.

Бу гал ҳам давлатимиз раҳбари ўз нутқида БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш бўйича қатъий чоралар кўриш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлаган ҳолда, инсон ҳуқуқлари соҳасида янги ғояларни илгари суриди. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим декларациясининг 10 йиллигига бағишлаб Олий комиссар бошқармаси билан бирга глобал форум ўтказиб, Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш томонидан Судьялар кенгаши фаолиятининг универсал принципларини ишлаб чиқиш таклифи ўртага ташланди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган туб ислохотларда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига биринчи даражали эътибор берилётгани тасдиқ эмас. Буюк аллома Алишер Навоий таълим берганидек: “Бу гулшан аро йўқдир бақо гулига сабот, Ажаб саодат эрур гар яхшилик билма колса от”. Яъни, буюк юртни кимил инсонлар бунёд этади. Улар ҳам ўқимишли ва билимдон, ҳам ташаббускор ва юртпарвар бўлишлари учун энг тараққий этган давлатлардаги каби барча ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши керак.

Шу мақсадда 2020 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси қабул қилинди. Бу тарихий ҳужжатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича изчил давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилди.

Мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ фаолияти тубдан такомиллаштирилмоқда. Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозимлари жорий қилинган. 2021 йил — Болалар меҳнатига барҳам бериш халқаро йилида Болалар омбудсмани тўғрисидаги қонунни қабул қилиш белгиланган.



Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжат, жумладан, БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протокоliga қўшилган. Уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий кўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда Ўзбекистон Президентининг Халқ ва Виртуал қабулхоналари, шунингдек, Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича қабулхоналарининг ташкил этилиши ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” ғоясини ҳаётга татбиқ этишнинг амалий кўриниши бўлди.

Суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам чуқур ислохотларга киришилди. Қонун олдига тенглик, инсонларварлик, адолатлилик қарор топа бошлади. Натижада аҳолининг оид судловга бўлган ишончи

ортмоқда. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда, низоларни судга ҳал қилишда ва тарафларни яраштиришда адвокатларнинг ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилмоқда. Афв этиш ва жамоат бирлашмаларининг қафиллиги остида шахсларни жазодан озод қилишнинг мутлақо янги тизими жорий этилди. 2020 йилнинг ўзига 719 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилгани, судланган шахсларнинг 74 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлангани, жазо муддатини ятаётган ва тузалиш йўлига қатъий кирган 616 нафар фуқаро афв этилгани буни яққол исботлаб турибди.

Мамлакатимизда узоқ вақтдан бери яшаб келиб, Ўзбекистон фуқароси деган ҳуқуқий мақомга эга бўлмаган 50 мингга яқин юртодошимизнинг ана шу муаммоси ҳал этилиб, уларни Ўзбекистон фуқаролари сифатида тан олишнинг қонуний чоралари кўрилди.

Виждон эркинлиги ҳуқуқини таъминлаш соҳасидаги ишлар ҳам кенг кўламли. Бугунги кунда мамлакатимизда 16 та конфессиянинг 2 277 та диний ташкилоти фаолият юритмоқда. “Жаҳолатга қарши маърифат” ғоясини амалга оширишга, диний таълим ва маърифат тизимини ривожлантиришга, диний ходимлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу вақтгача мажбурий меҳнат, болалар меҳнати масаласида кўп жihatдан жиддий танқид эшитишимизга тўғри келди. Аввалги тузумдан мерос бўлиб қолган амалдаги қонунларга зид ўшбу ҳолатга барҳам беришнинг имконияти йўқдек туюларди. Давлатимиз раҳбари Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессияси онлайн мажлисида: “Биз Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича катта ишларни амалга оширдик. Бу ислохотларимиздаги энг асосий ютуқларимиздан бири бўлди”, деб таъкидлади.

Ҳақиқатан, Халқаро меҳнат ташкилотининг “Учинчи томон мониторинги” лойиҳаси доирасида 2020 йилги пахта терими мавсумида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат ҳолатларини аниқлаш бўйича ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, Ўзбекистонда болалар меҳнатидан умуман фойдаланилмаган, деган хулосага келинди ҳамда фуқароларни мажбурий тарзда меҳнат қилишга жалб этиш ҳолатлари кузатилмагани қайд этилди.

Юртимизда кенг кўламли демократик ислохотлар натижасида аёлларнинг сиёсий-ижтимоий жараёнлардаги иштироки тобора кенгайиб бормоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 48 нафари ёки 32 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Миллий парламентимиз тарихида биринчи марта аёл киши Сенатни бошқармоқда. Шунингдек, Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда аёллар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди. Ҳолбуки, бундан 5 йил аввал биз бу борада 128-ўринда эдик.

Давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 380 нафардан зиёд хотин-қиз раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ташкил этилган. Улар томонидан 28 мингга яқин опа-сингилларимизга тадбиркорлик, хунармандлик, касбга қайта тайёрлаш, бандликни таъминлаш юзасидан амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Шунингдек, беш муҳим ташаббус доирасида 21 минг 500 нафар қиз қисқа муддатли касб-хунар курсларида ўқитилди. Ана шундай имкониятлар тўғрисида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган аёллар сони бир йилда қарийб 45 минг нафарга кўпайиб, улар томонидан минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Шу билан

бирга, олий ўқув юртларига қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар қизлари учун грантлар сони 2 баробар кўпайтирилиб, 2 мингга етказилмоқда. Бу борадаги ишларни янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистонда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларнинг мулоқоти ва хотин-қизларнинг минтақавий бизнес форумини ўтказиш ташаббуси илгари сурилди.

Мамлакатимиз БМТнинг Инсон ҳуқуқлари таълими соҳасидаги бутунжаҳон дастурида ҳам фаол иштирок этмоқда. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни кўсалтириш концепцияси ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қоидаларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракат дастурининг ижроси юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, таълим муассасалари аҳоли орасида умуминсоний қадриятлар, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва унга риоя этиш тамойилларини омалаштиришга, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий ахборотдан фойдаланишини таъминлаш жараёнига кенг жалб этилган.

Ўзбекистон бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат — БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш ташаббускори ҳам ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари бўйича “Ёшлар — 2020: глобал ҳамжиҳатлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” мавзусида ўтган йили Самарқандда бўлиб ўтган веб-форум бевосита ўшбу масалага бағишланди. Унда БМТ ва унинг муассасалари, Парламентараро иттифок, Европа Кенгаши, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Осиё парламент ассамблеяси, Африка Иттифоқи намоёндалари билан бирга жаҳондаги 30 дан зиёд ёшлар ташкилотининг 1000 нафардан зиёд вакили иштирок этди.

Хулоса қилиб айтганда, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофазалаш бугун жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсадига айланди. Бу борада Президентимизнинг нутқида илгари сурилган эзгу ғоя ва ташаббуслар нафақат мамлакатимиз аҳолисининг, балки бутун инсониятнинг фаровонлигини таъминлаш, келажак авлодларга мусаффо осмон, нурафшон манзилларни мерос қолдиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

## “Янги Ўзбекистон” учун махсус

# ЎЗБЕКИСТОН ОСИЁ ҚИТЪАСИДАГИ “ДЕМОКРАТИК АЛЪЯНС” ЕТАКЧИЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНМОҚДА



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясидаги нутқи халқаро ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралари томонидан юқори баҳоланмоқда.

**Жан Антуан ДЮПРА, французлик ҳуқуқшунос, Сарбонна университетининг профессори:**



— Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида мамлакатни демократлаштиришнинг устувор йўналишлари ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш доирасидаги фаолиятнинг асосий жиҳатларига эътибор қаратди.

Шуни таъкидламоқчиманки, республикадаги сўнгги ўзгаришлар изчиллиги инсон ҳуқуқлари ҳимояси соҳасини ҳам фаол қамраб олган. Бундай анжумандаги илк бора иштирок ҳам Ўзбекистон очкилик ва жадал тараққиёт сари дадил қадам қўйганининг яна бир ифодасидир.

Бугун мамлакат кўплаб йўналишларда демократик ривожланишга эришмоқда. Биринчидан, Ўзбекистонда аёлларнинг жамиятдаги роли ўсиб бормоқда, айниқса, ишбилармон аёллар мавқеи, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари таъминланаётгани қувонарли ҳол.

**Анна ВОЛЬТХАТ, “Healthcare Frauen e.V.”, халқаро нодавлат ташкилоти кенгаши аъзоси, “Oxcell AG” (Германия) компанияси ижрочи директори:**



— Яқин йилларда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида жаҳон рейтингларининг аутсайдери ҳисобланган давлатлардан бири эди. 2016 йил охирида Президент Шавкат Мирзиёевнинг ҳокимиятга келиши билан вазият кескин ўзгариши бошланди. Бугунги кунда мамлакат БМТ ИХҚга аъзо бўлиб, дунё бўйлаб инсонлар учун тенг ҳуқуқларни таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташаббусларни жорий этмоқда. Бугун Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ва ҳуқуқ ҳимоячиларининг мисли кўрилмаган фаоллигини кузатиш мумкин. Улар долзарб масалаларни кўтариб, расмийларни жасорат билан танқид қилмоқда. Дарвоқе, Ўзбекистон раҳбари яқинда оммавий

ахборот воситалари мамлакатдаги “тўртинчи ҳокимият” эмас, балки “биринчи” эканини айтди. Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши минбаридан сўзлаган нутқида Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштиришга қатъий қарор қилганини яна бир бор таъкидлади.

Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистон давлат сиёсатида биринчи ўринда туради. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни амалга ошириш эса бунинг кафолатидир.

Шуни таъкидлаш керакки, аҳолиси, асосан, ислом динига эътиқод қиладиган Ўзбекистон мамлакат сиёсий ва иқтисодий ҳаётида аёлларнинг ролини ошириб, фаол гендер сиёсатини амалга оширишга тайёр.

Ўзбекистон раҳбари ноғиронлар ҳуқуқлари кафолатланган, мажбурий ва болалар меҳнатига барҳам берилган, қийноқларнинг олди олинган ва фуқаролиги бўлмаган шахслар сони

**Розия САЙЁД, Афғонистон Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил комиссиясининг болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича масъул комиссари:**

— Ўзбекистон Президентининг нутқи сермазмунлиги билан ажралиб турди. Ушбу нутқ БМТ ИХҚ онлайн-сессиясининг муваффақият калитига айланди.

Республика раҳбариятининг инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ташаббуслари ва саъй-ҳаракатлари катта эътиборга лойиқ. Бу яна бир бор мамлакат раҳбарияти

ахборот воситалари мамлакатдаги “тўртинчи ҳокимият” эмас, балки “биринчи” эканини айтди. Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши минбаридан сўзлаган нутқида Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштиришга қатъий қарор қилганини яна бир бор таъкидлади.

Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистон давлат сиёсатида биринчи ўринда туради. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни амалга ошириш эса бунинг кафолатидир.

Шуни таъкидлаш керакки, аҳолиси, асосан, ислом динига эътиқод қиладиган Ўзбекистон мамлакат сиёсий ва иқтисодий ҳаётида аёлларнинг ролини ошириб, фаол гендер сиёсатини амалга оширишга тайёр.

Ўзбекистон раҳбари ноғиронлар ҳуқуқлари кафолатланган, мажбурий ва болалар меҳнатига барҳам берилган, қийноқларнинг олди олинган ва фуқаролиги бўлмаган шахслар сони

камайиши таъминланган жамият яратиш ниятида.

Ўзбекистоннинг яна бир ташаббуси умуман беқисдир. Бу Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни қабул қилиш масаласидир. Ушбу ташаббус ҳам бежиз эмас, чунки Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштиришга қатъий қарор қилганини яна бир бор таъкидлади.

Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистон давлат сиёсатида биринчи ўринда туради. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни амалга ошириш эса бунинг кафолатидир.

Шуни таъкидлаш керакки, аҳолиси, асосан, ислом динига эътиқод қиладиган Ўзбекистон мамлакат сиёсий ва иқтисодий ҳаётида аёлларнинг ролини ошириб, фаол гендер сиёсатини амалга оширишга тайёр.

Ўзбекистон раҳбари ноғиронлар ҳуқуқлари кафолатланган, мажбурий ва болалар меҳнатига барҳам берилган, қийноқларнинг олди олинган ва фуқаролиги бўлмаган шахслар сони

чиқиш бўйича ташаббусларни қўллаб-қувватлаймиз. Ушбу ташаббуслар бутун дунё бўйлаб ёш авлодининг профессионал ва ижодий томондан ўзини ўзи англашига хисса қўшади.

Ўзбекистон ноғиронлар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Афғонистон ва Ўзбекистондаги фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янада ривож топишига умид билдираимиз.

“Дунё” АА

## ЁШЛАР — ЎЗБЕКИСТОННИНГ БЕБАХО БОЙЛИГИ

Мен ҳар гал ёшларимиз билан учрашганимда, сизларнинг ғайрат-шижоатингиздан куч-қувват оламан, кўнглим тоғдай кўтарилади. Ҳар бирингиз жонажон Ватанимиз ва халқимизга сидқидилдан хизмат қилиш орзуси билан ёниб яшаётганингизни яхши биламан. Сизларни Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида юксак қадрлайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

## КЕЛАЖАК УЧУН ЭНГ САМАРАЛИ САРМОЯ



Бошланиш 1-бетда

Президентимизнинг ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қарашлари ўтган қисқа вақт давомида қатор қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топиб, ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунчилик тизими тубдан такомиллаштирилди.

Охириги тўрт йил мобайнида ёш авлод камолотига қаратилган эликдан ортқ хуққий ҳужжат, жумладан, тўртта қонун, Президентимизнинг ўттиздан ортқ фармон ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг қирқдан зиёд қарори қабул қилинди. "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси ёшлари қунини белгилаш тўғрисида", "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида" ги қонунлар шулар жумласидан.

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатяптики, қайси мамлакатда ёшлар ҳуқуқлари тўлақоли таъминланса, ўз қобилиятини намоён этиши учун зарур имкониятлар яратилса, уларнинг юрт тараққиётига қўшадиған хиссаси ниҳоятда юқори ва самарали бўлади. Мамлакатнинг глобаллашув жараёнига кириб бориши тезлашади.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам ёшларга, айниқса, уларнинг замонавий билим олишига эътибор кучайди. Бу борада амалга оширилаётган ислохотлар кўлами ниҳоятда кенгайди. Табиийки, харажатлар миқдори ҳам шунга мутаносиб — жаҳон стандартлари даражасида билим олишимиз учун давлат бюджетидан катта маблағ сарфланмоқда. Бугун дунё мамлакатлари пандемия туфайли иқтисодий инқирозга, молиявий таназулга учраган бир вақтда, нечолки оғир ва қийин бўлмасин, мамлакатимизда ёшлар таълими учун зарур маблағ ва манбалар излаб топилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу маблағни харажат эмас, балки келажак камолоти учун қўйилган энг самарали сармоя деб ҳисоблаб, таълим даражаси ва сифати давлатнинг истиқболини белгилаб берадиган муҳим омил эканини таъкидламоқда.

Юртимизда буюк мутафаккирлар, улуг алломаларнинг бебаҳо меросини қадрлаш, уни ёш авлод онгига чуқур сингдириш, ўқувчиларнинг аниқ фанлар буйича юксак марраларни забт этишига кўмаклашиш, иқтидорини аниқлаш ҳамда рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 сентябрдаги "Муҳаммад ал-Хоразми номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабни ташкил этиш тўғрисида" ги ҳамда "Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатини ва "Астрономия ва аэроавтотика" боғини ташкил этиш тўғрисида" ги қарорлари бунга яққол мисолдир.

Зотан, Ўзбекистон тарихида аниқ фанларга оид тадқиқотларнинг илдизлари энг қадимги даврга бориб тақалади. Миллодан аввалги биринчи минг йилликда Ўзбекистон ҳудудида деҳқончиликнинг

ривожланган тарихий-маданий марказларида Кўёш, Ой ва сайёраларнинг ҳаракат-ланиш қонуниятларига доир чуқур билимларга асосланган ҳолда қишлоқ хўжалиги ишларини бажариш муддатларини белгиловчи тақвимлар ишлаб чиқилган.

Урта асрлар даврининг буюк мутафаккирлари Муҳаммад Хоразми, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, айниқса, Мирзо Улуғбекнинг математика ва астрономия ривожига қўшадиған хиссаси жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилган.

Мамлакатимизда аниқ фанларнинг келгусидаги тараққиёти, иқтидорли ёшлар орасидан ушбу соҳа буйича малакали кадрлар тайёрлаш, уларнинг математика, астрономия ва аэроавтотика соҳасидаги янги билимларни ўрганиши, ўзлаштиришини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

БМТ маълумотларига кўра, бугун дунё бўйлаб 260 миллион бола мактабга бориш имкониятига эга эмас. Яна 400 миллиондан ортиғи на ёшим, на ўқиниши билади. Агар бу ҳолатга қарши зарур чора-тадбирлар қўрилмаса, 2030 йилга бориб, ёш авлод вақилларининг 800 миллионга яқини ишга жойлашиш учун ўтказиладиған суҳбатларда одийгина саволларга ҳам жавоб беролмайдиган даражага тушиши мумкин.

Нафақат олисдаги мамлакатлар, ҳатто ён-атрофимиздаги айрим қўшни давлатларда ҳам бу соҳада кўпгина оғир муаммолар ечилмасдан қолётгани, болаларнинг катта қисми мактаб таълимини олиш имконига эга эмаслиги халқро жамоатчиликни ташвишга солмоқда. Бу борада Халқаро болалар ташкилоти — ЮНИСЕФ ва бошқа нуфузли тузилмаларнинг Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда эришилаётган салмоқли ютуқларни эътироф этаётгани бежиз эмас.

Сунги йилларда мамлакатимизда жаҳоннинг тараққий этган давлатлари тажрибасини ўрганиш имконияти тобора кенгайди. Улар тўплаган тажрибанинг биз учун мақбул жиҳатларидан фойдаланиш ҳам миллий дастурларимизда кўзда тутилган. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимиз таълим муассасаларининг чет эллардаги ўқув марказлари билан ҳамкорлиги тобора мустақамланмоқда. Чет эллик ўқувчилар ва мутахассисларни хорижий тилда машғул олиб бориш учун мамлакатимизга тақлиф қилиш, чет эл ўқув ва илмий марказларида ўзбек кадрларининг малака ошириб қайтиши, шунингдек, иқтидорли талабаларнинг чет элларда тахсил олиши қамровин кенгаймоқда.

Билим ва қобилиятини намоён этиб, танлов ва синовлардан муваффақиятли ўтган Ўзбекистон ёшлари Япония, Германия, Жанубий Корея, Хитой Халқ Республикаси, Буюк Британия, АҚШ, Франция ва бошқа ривожланган давлатларнинг энг яхши олий таълим муассасаларида таълим олиб, бакалавр ва магистр дипломларига эга бўлиши учун давлат бюджетидан катта миқдорда маблағ сарфланяпти.

Шу билан бирга, юртимизда жаҳоннинг машҳур етакчи университет ва институтлари филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Тошкент Халқаро Вестминстер университети, И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ

университети, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Г.В.Плеханов номи Россия иқтисодиёт университети, Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Инха университети, Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси Миллий технологик тадқиқотлар университети, Латвиянинг Ахборот тизимлари менежмент олий мактаби, Аджу университети, Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлигининг Москва давлат халқро муносабатлар институти федерал давлат автоном олий таълим муассасаси, Шарда университети, Вебстер университет, Россия давлат жисмоний тар-



бия, спорт, ёшлар ва туризм университети филиаллари шулар жумласидан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 августдаги "Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори бу борада амалга оширилаётган ишларнинг наватбадга муҳим босқичи бўлди.

Мазкур қарорга биноан, иқтидорли ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларни янада жонлантириш, мамлакат илм-фанининг халқаро миқёсдаги рақобатбардошлигини таъминлаш, мавжуд илмий мактаблар салоҳиятини янада мустақамлаш ҳамда уларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Ёшлар академияси ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили 26 декабрь кўни Ўзбекистон ёшлари форумида "Илмни қадрланг, илмга интилинг! Бир сония вақтингиз ҳам бекор ўтмасин! Ёшлик — умрнинг энг бебаҳо даври. Илм ва билим — ўтда ёнмайдиған, сувда чўкмайдиған, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик эканини асло унутманг!" деб биз, ёшларга қимматли маслаҳатларини берди.

Мазкур форумда ёшлар ўртасида энг яхши илмий ишланмалар учун умумий қиймати ўттиз миллиард сўмдан ортқ

бўлган "Ёш олимплар" инновацион лойиҳалари танлови эълон қилинган қайд этилди. Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлигига 2021 йилдан бошлаб мактаб ўқувчилари ва олий таълим муассасалари талабалари ўртасида "Бўлажак олим" танловини ташкил қилиш буйича топшириқлар берилди. Бу орқали ёшларнинг энг яхши инновацион ҳамда стартап лойиҳаларини рўёбга чиқариш учун эллик миллиард сўм маблағ йўналтирилиши маълум қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь кўни Олий Мажлиса Мурожаатномасида 2021 йилга мамлакатимизда "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили" деб ном беришни тақлиф этиб, "Ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажатини таъминлайдиған ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутаети. Шу сабабли биз ислохотларимиз кўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етуқ, замонавий билим ва хунарларни пухта эгаллаган, азму шижоатли, ташаббускор ёшларимизга таянашимиз", деб таъкидлади.

Нуфузли хорижий университетлар, илмий ва инновацион марказлар билан алоқаларни кучайтириш, улар билан кадрлар тайёрлаш буйича ҳамкорликни янада кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

Шу муносабат билан "Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали етакчи хорижий олий ўқув юрталарининг магистратура ва докторантурасида ўқишга юбориладиған ёшлар сони беш баробар оширилиши, бу дастур орқали илк бор бакалавр йўналишида чет элларга юз нафар йигит-қиз юборилиши, кейинги йиллардан уларнинг сони икки-уч баробар кўпайтирилиши маълум қилинди.

Президентимизнинг 2021 йил 3 февралдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши буйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили" да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида" ги фармонида, биз, ёшларни қўллаб-қувватлаш, ҳар томонлама етуқ инсонлар бўлиб камол топишимиз учун зарур шарт-шароитлар яратишга оид катор чора-тадбирлар белгилаб берилди. Ёшлар ҳуқуқларига бағишлаган Бутун-жаҳон ёшлар анжуманини ташкил этиш ва ўтказиш, "Илмнинг энг фаол ёшлар етакчиси", "Илм сардори", "Талабалар фестивали", "Интеллектуал уйинлар" ҳафталиги, "Илм талабаси" сингари кўрик-танлов ва мусобақалар ўтказиш, ҳудудларда илмий фаолият билан шуғулланиб келаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, илм-фанга кенг жалб этиш, нуфузли илмий мактабларни шакллантириш, уларнинг илмий салоҳиятини ошириш, соддалаштирилган тартибда ёшларнинг илмий лойиҳаларини молиялаштириш шундай чора-тадбирлар сирасига кириаети.

Айниқса, ёшларнинг халқро "IT" сертифициратрини олиш харажатиининг эллик фоизгача бўлган қисми бюджетдан қоплаб берилиши, "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси доирасида ёшларни дастурлаш тилларини ўзлаштиришга қизиқтириш, халқро таълим дастурлари (имтиҳонлар) буйича энг юқори балл тўплаган иқтидорли ёшларга имтиҳон топшириш қўқимининг тўлаб берилиши каби имтиёзлар — биз, ёшлар учун кечис имкониятлар эшиги очилаётганидан далолат.

Бундан ташқари, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида фаолият юритаётган, ушбу соҳада муайян ютуқларга эришган истеъдодли ёшларнинг мазкур соҳада илғор тажрибага эга давлатлар томонидан ташкил этиладиған аънанавий ва масофавий курслардан иштирокчини таъминлаш, йигит-қизларнинг хорижий тилларни ўрганиши учун янада кенроқ имконият яратиш мақсадида бепул тил ўрганиш электрон платформасини яратиш, шунингдек, уларнинг Тошкент шаҳри марказида юқори технологиялар ва замонавий билимларни чуқур ўзлаштиришига кенг шароит яратиш мақсадида алоҳида университет биносини барпо этиш буйича чора-тадбирлар белгилангани эртанги кунимизда ишончимизни янада оширди.

Биз, ёшлар Ўзбекистонда яшаётган миллионлаб тенгдошларимизни соғлом ва эркин фикрлаш, янидан-яниги ташаббуслар билан чиқиш, маънавий-маърифий, маданий, ижтимоий-хуқуқий, ҳарбий ватанпарварлик, спорт-соғломлаштириш каби соҳаларда фаол бўлишга, шунингдек, бу борада энг мақбул лойиҳаларни ишлаб чиқиб ҳаётга татбиқ этишга чақирамиз. Чунки жонажон Ватанимизнинг эртанги тинч ва фаровон, тўқис, барқарор ҳаётини барпо этиш бугунги саяё-харақатларимизга боғлиқ.

## ВАТАННИ САДОҚАТ ВА ФИДОЙИЛИК ЮКСАЛТИРАДИ



Камола ҚАЮМОВА,  
Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси  
Тарих институти таянч  
докторанти

Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир чиқвишини диққат билан кузатаман, айниқса, биз, ёшларга мурожаатларининг мағзини чақиб, ўзим учун дастуруламал қилишга ҳаракат қиламан. Иллатимиз етакчиси доимо бизларни Ватанимизга, мустақиллик юғларига муҳаббат ва садоқатли бўлишга ундайди, руҳлантиради.

Янги Ўзбекистонни барпо этишда ёшлардан замонавий билим ва, шубҳасиз, фидойилик талаб қилинади. Эл-юрт, оила, инсонийлик тушунчаларининг асоси садоқат экани барчага маълум, аммо уруш-жанжаллар, йўқотишлар, бахтсизликларнинг аксарияти хиёнат туфайли юз берганига тарих гувоҳдир. Шунинг учун ҳам, инсоният пайдо бўлибдики, садоқат ва хиёнат мавзуси диний таълимотлардан тортиб, сиёсат, адабиёт ва санъат бобидаги асарларда муҳокама қилиб келинади.

Ушбу долзарб ҳаётий тушунчаларга Қуръони каримнинг бир неча оятларида алоҳида ургу берилгани бежиз эмас: "Аҳда вафо қилинлар! Зеро, аҳд-паймон (Қиёмат кўни) масъул бўлинадиған ишдир", "Эй мўминлар, битимларга вафо қилин-гиз!". Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) ҳам аҳд ва вафо ҳақида муаммаднинг молиялаштириш шундай чора-тадбирлар сирасига кириаети.

Бундай иллатларни буюк бобомиз Амир Темурақатқ қоралаган ва ўз тузуқларида айни мавзуда бир неча марта тўхтаган: "Агар навқарни бирон мамлакатга ҳоким қилган бўлсалар-у, у бевафолардан дўшман билан келишиб, юртни унга таслим қилса, ўлим жазосига маҳкум этсинлар. Мамлакатни қўл остида сақлаб қолган навқарни эса юқори мартабага кўтариб, хурматлисинлар. Қайси бир амир уруш кунлари, аҳвол танг бўлган пайтда жанг майдониде охилоқ қадамни маҳкам қўйиб, дўст-ошнолик ҳақини сақлаган бўлса, уни ўз ога-инисидек кўрсинлар.

Чунончи, Кеш амирлари ва лашқари мендан бутунлай юз ўгириганлариде ва амир Жоку барпосдан бошқа ҳеч кимса олдимда қолмаган

Демак, сўзи ва ўзига вафодор киши, оиласи, миллати ва давлатига ҳам садоқатли бўлади. Сўз бердикми, аҳду паймон қилдикми, эвазига нимани бой берсак ҳам, устидан чиқишимиз шарт. Шундангина биз улуг боболаримиз ўғитларини бажарган, эл-юртимизнинг чин ўғил-қизларига айланган, халқимиз ишончини оқлаган бўламиз.

Демак, сўзи ва ўзига вафодор киши, оиласи, миллати ва давлатига ҳам садоқатли бўлади. Сўз бердикми, аҳду паймон қилдикми, эвазига нимани бой берсак ҳам, устидан чиқишимиз шарт. Шундангина биз улуг боболаримиз ўғитларини бажарган, эл-юртимизнинг чин ўғил-қизларига айланган, халқимиз ишончини оқлаган бўламиз.

бир пайтда, мен амир Жокуни ўз азиз оғамдай кўриб, давлатимнинг ишончили одами деб билдим".

Аскарнинг сотқинлиги борасида "Темурақатқлар" да шундай дейилади: "Ва амр қилдикми, ҳар бир навқар ганим наздида хурмат-эътиборга эга бўлиб қадрланса-ю, бироқ жангу жадал пайтида ўз беғига хиёнат қилса, унинг душманига дўстлик кўрсатса, туз ҳақини, бек хурматини, навқарлик (бурчини) ва (ундан) кўрган ноз-неъматларини унутса, ўз беғининг душманига ён босиб, уни ўз беғидан устун қўйса, бундай кимсани хизматга йўлатмасинлар, ҳаётнинг ўзи бундайларнинг қилмишига яраша жазосини беради".

Соҳибқирон бобомиз фидойиликни шуңчалар қадрлаганларки, бундай фазилатга эга инсон, ҳатто душманлари бўлганда ҳам уни хурмат қилган: "Агар ганим сипоҳидан бирор кимса ўз валинеъматига сидқидилдан хизмат қилиб, уруш кунларида менга қарши қилич кўтарган бўлса ҳам, ундай одамга нисбатан лутф-марҳаматлар кўрсатдим. Қошимга (паноҳ истаб) келганда, уни қадрлаб, ишончини қозондим, вафодорлиги ва ҳақиқат билан хизмат қилишига ишондим".

Ўз юрти ва бошлиғига сотқинлик қилиб, ҳузурига кириб келганларни Амир Темурақатқлари қабул қилмаган: "Қайси бир аскар туз ҳақи ва вафодорлиқни унутди, хизмат вақтида ўз эгасидан юз ўгириб, меннинг олдимга паноҳ истаб келганлари учун уларни лаянатладим, ўзимча. "Булур ўз соҳибига вафо қилмагач, менга вафо қилармиди?" деб уйлади".

Шу ўринда Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома" асарига Соҳибқироннинг ўз лашқарларига аҳд ва вафо ҳусусида насихати қуйидагича келтирилади: "Аҳду паймон дин арқонининг бир рункидир. Қайси подшоҳ дин арқонларига риоя қилишда сустлик қилса, унинг давлати доимо тебраниб ва чайқалиб туради. Халлоқ қайси малиқнинг бузилмас аҳду паймонига ва вафосига суянса, унинг мулки доимо обод, лашқари қўл бўлади. Шу жиҳатдан демишларки:

Душманинги кўнгли қарор топсин десане,

Аҳду паймонинида турсин устувор".

Улуг аждодимиз фикрларига ҳамоҳанг тарзда мутафаккир бобомиз Алишер Навоий вафо ва садоқатни инсоният бошидаги жиҳада порлаб турган гавҳардир, деб таърифлар экан, агар ҳаёт чаманида вафо гули бўлмаса, у гузал ва оромбахш бўла олмаслигига алоҳида ургу берган.

Демак, сўзи ва ўзига вафодор киши, оиласи, миллати ва давлатига ҳам садоқатли бўлади. Сўз бердикми, аҳду паймон қилдикми, эвазига нимани бой берсак ҳам, устидан чиқишимиз шарт. Шундангина биз улуг боболаримиз ўғитларини бажарган, эл-юртимизнинг чин ўғил-қизларига айланган, халқимиз ишончини оқлаган бўламиз.

ОБОДЛИК ЯРАШГАН МАНЗИЛЛАР

# ЯНГИЛАНИШЛАРДАН ЮКСАЛАЁТГАН АНДИЖОН

## Биринчи мақола



Бошланиши 1-бетда

Бунинг энг катта бахт эканини йиллар давомида бир кичик ватан — бошлана топиш учун машаққат чекиб юрганлар чуқур ҳис қилади. Айниқса, ноғиронлиги бўлган, кам таъминланган, кўп болали оилалар, боқувчисини йўқотганларга имтиёзли уй-жой бериш энг олижаноб инсоний фазилатларимизнинг амалдаги ифодасидир. Вилоятда 2017—2020 йиллар давомида мингдан зиёд иқтисодий ёрдамга муҳтож хотин-қизнинг доимий яшаш жойига эга бўлгани қанча кўнглини хотиржамлиги, оилалар фаровонлигини таъминлади. Янги йил арафасида Андижон шаҳрида 60 та ёш оилага қиймати 13 миллиард 53 миллион сўмлик “Ёшлар уйи”нинг тантанали топирилиши эса яна кўпга оилаларда уй-жойли бўлишига умид уйғотди.

Қачонки, инсоннинг ҳаётдаги оғир ташвишлари ариса, ёруғ кунларга ишонч билан яшайди. Бундай инсонлар нафақат уй-жойини, балки маҳалласини ҳам обод қилади, жамиятда муносиб ўрин топиб, фарзандининг келажасига мустақам замин яратади, юрт тараққиётига ҳисса қўшади. Айниқса, бу ўзгаришлар одамларнинг кўз ўнгига рўй берса, билинги, жамиятдаги ҳар бир фуқаронинг яшашга, ҳаётга бўлган интилиши кучаяди.

Бугун андижонликлар катта-катта лойиҳалар, улкан бунёдкорликлар, ажаб-товур янгиликларга биринчилардан бўлиб кўл ура бошлади. Энг муҳими, ахилликда яшашнинг юксак намунасини бутун республикага намойён эта оляпти.

### АДИРЛАРДАГИ ОСМОНЎПАР БИНОЛАР

Андижоннинг Хўжаобод тумани томон йўли тушган одамлар туман худудидида адирликда кўп қаватли уйлар қурила бошлаганини кўриб, “Ё тавба, шунақаси ҳам бўлар эканми”, деганлари аниқ. Бугун улар “Баландликда ҳам уй қурса бўлар экан-ку”, дея ҳайрат ва ҳавас билан қарашпти.

Излаган имкон топар, деганларидек, Президенти ташаббуси билан андижонликлар республикада илк бор адирликда кўп қаватли уйлар қуришни тажриба сифатида бошлаб юборди. Бундай тажриба, асосан, Хитой ва Туркиядан ўрганилаётганини мутасаддилардан эшитдик. Чиндан ҳам биз шу пайтгача адирликда асл ўзбекона ҳовиллар, нари борса, бир қаватли замонавий уйлар қурилганини кўрганмиз. Шу маънода, Андижоннинг Хўжаободидида “Хидирша” массивида адирликда бунёд бўлаётган 35 та беш ва етти қаватли уйларга қараб туриб, ҳам ҳайрат, ҳам хавотирга тушидик, тўғриси. Бир ёни ердан фойдаланишда ҳам чет эл тажрибасини қўллаётганимиздан қувонган бўлсак, бир тарафдан баландликда, тагин кўп қаватли уйда яшаш қандай бўларкан, дея ўйлиниб қолдик. Биринчи ўринда сув масаласи келар экан ҳаёлга.

Тепаликка чиқганимизда, 17,4 гектарли майдонда узокдан кўзга ташланди, ўтган-кетганинг эътиборини тортаётган махсус техникалар, шу жумладан, кўтарма қанларда тер тўкаётган 20 дан зиёд илгор қурилиш ташкилотлари ишчи-ҳодимларини қизғин иш устида учратдик. Мингдан зиёд курувчи уйларни тезроқ ўз соҳибларига топшириш учун тиним билмапти. Бу борада “Комфорт люкс”, “Имкон қурилиш”, “Феррум декор”, “Яшиллик сари” каби масъулияти чекланган жамиятлари пешқадам бўлиб турибди.

— Атиги 6 тагина сотилмаган хонадонимиз қолди, — дейди “Имкон қурилиш савдо” унитар корхонаси иш юритувчиси Зокиржон ака Мирзақобулов. Унинг айтишича, бу уйлар хусусида ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ. Қурилиш бошланишидан аввал майдон обдон геологик текширувлардан ўтказилди. Яхлит қурилган пойдеворлар орасида 34 тонна арматура бор. Сув масаласи ҳам муаммо эмас. Уйлар йўлақарига

берган маълумотига кўра, ташкилотнинг 20 кунлик фаолияти мобайнида коммунал хизмат кўрсатиш юзасидан кўплаб муурожаат келиб тушган ва улар тезкор, сифатли бажарилган.

20 йилдан буён кўп қаватли уйда истиқомат қилаётган Комила Юнусова янги ташкилот фаолиятидан миннатдорлигини хизмат нархларининг ташқаридан анча арзонлиги билан боғлади. Мабодо, хизмат сифатсиз бўлса, жавобгарни топиш ҳам осонлиги, бунинг учун 11-84 қисқа рақамига кўнгирак қилишнинг ўзи етарли бўлишини таъкидлади. Зеро, у туну кун узлуксиз ишлаши, кўнгиликсиз ҳодиса тўғрисида хабар беришга қулайлиги билан аҳамиятли. Яқинда эҳтиётсизлик туфайли хонадонига сув тошиб кетгани юзасидан муурожаат қилган Комила опа ташкилот ҳодимлари томонидан муаммолар тез ва сифатли бартараф этилганидан хурсанд.

Биз билан суҳбатда яна кўплаб аҳоли вакиллари янги бошқарув ташкилоти халқ ишончини шу тарзда оқлаб, шу йўлда кетса, фаолияти давомли бўлишини алоҳида айтиб ўтди.

Кейинги манзилимиз “Пахтаобод — обод уй” сервис бошқарув компаниясининг ихчам ва шинам биноси бўлди. Туманда мавжуд кўп қаватли 50 та уй аҳолисига хизмат кўрсатаётган бу ташкилот иш бошлаганига 2 ой бўлди. Қисқа давр мобайнида ўз йўлини топишга муваффақ бўлган ёш ҳодимлар ҳақида

МЧЖ вилоятнинг энг чекка худудларидан бўлган Кўргонтепа туманида ташкил этилгани аниқ мудоа бўлди. Зеро, давлатимиз раҳбари ҳам мақзур туманда бандлик масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб эканини кўп таъкидлаган. Шу маънода, 2018 йилда иш бошлаган бу йирик пахта тўқимачилик кластери, аввало, минглаб ёшлари иш билан таъминлаётгани билан эътиборни тортади. Қолаверса, “KhanTex GROUP” — кластер тизимининг афзалликларини кўрсатаётган корхоналардан бири.

Германиянинг “Ландесбанк Баден Вюртемберг” банкининг 52 миллион евро миқдоридида инвестицияси билан иш бошлаган корхонада йилига 10,4 минг тонна пахта толаси тўлик қайта ишланиб, 9,4 минг тонна ип-калава, 2,1 минг тонна трикотаж мато, 4 миллион понометр газлама ва 10,0 миллион дона тайёр тикув трикотаж махсулотлари ишлаб чиқарилади. Келтирилган дастоҳларда пахта ошмаёши 2 марта тозаланиб, қуритилади. Бу топа сифатини яхшилайди. Амалдаги турдош дастоҳларда эса бу кўрсаткич 34,7 фоизни ташкил қилади.

Кластернинг хомаёни етиштириш борасидаги ютуқлари ҳам эътирофга лойиқ. Пахта ҳосилини етиштириш ва териб олиш учун унинг негизда ташкил этилган “KhanTex Agro Servis” МЧЖда АҚШ ҳамда Европа давлатларининг “John Deere”, “Monosem”, “New



кўп қаватли уйда 37 йилдан буён яшаб келаётган Тожижон опа Одибобоевадан эшитдик. Икки мингичи йилдан буён ширкатга аъзо бу онахон янги ташкилотда иш бошлаган ёшларга ўз тажрибасини ўргатиб, уларни ҳалол меҳнат қилишга ундаб келади.

— Кўп қаватли уйларга коммунал хизмат кўрсатишини бошқаришнинг турли шакллари кўрдик, — дейди Тожижон опа. — Янги ислохотлардан жуда хурсандман. Томлардан чакки ўтар, канализациялар яхши ишламас эди. Ушбу сервис бошқарув компанияси иш бошлаганидан буён ҳаммаси ўзгарди. Кўнглим тўқ, биламанки, булар бизни аро йўлда қолдирмайдди. Ҳар битта маслаҳатимни тўри қабул қилишди. Илоҳим, буларнинг ҳаракатларига кўз тегмасин!

— Шу кунгача 68 та муурожаат келиб тушди. Муаммоларнинг барини жойида ҳал қилдик. 24 соат ишлашгами. Аҳоли хурсанд. Мақсадимиз — одамларга қулайлик яратиш, коммунал хизмат билан боғлиқ муаммоларни тез бартараф этиш, — деди биз билан суҳбатда бошқарув компанияси раҳбари Шохислом Қўлдошев. — Ҳозирда барча уйлар атропофлари ободонлаштирилиб, гул қўчатлари, манзарали дарахлар экиляпти. Ҳа, бугуннинг ёшлари ижодкор, янгиликларга интилувчи. Фақат уларни кўлаб-қувватлаш, тўғри йўналтириш керак, холос. Ана шунда бошқарув ташкилотларида халққа хопис хизмат учун бел боғлаган ёшлар тез фурсатда одамлар ҳаётида муносиб ўрин тутишига шубҳа йўқ.

### ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ФАОЛИЯТИМИЗ ТАЯНЧИ

Нафақат Андижон вилояти, балки республикамиз иқтисодиётида ҳам ўзига хос ўрин тутаётган “KhanTex GROUP”

**Вилоятда тадбиркорлик билан бирини икки қилиш мақсадида юрган ёшлар талайгина. Шаҳарлар ва туманлардаги касб-хунар мактабларида 48 соатлик ўқув курсларида ўқитилаётган бўлғуси тадбиркорларнинг 916 нафарига 22 миллиард 57 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Айни пайтда нафақат уларнинг ўзлари, бутун оила аъзоларининг ҳаётга интилиши, дунёқарашини ўзгартираётган бундай саъй-ҳаракатларнинг яна бири “Ҳар бир ёшга — 10 сотих” лойиҳасидир. Лойиҳа доирасидаги ишлар алақачон бошланиб, 7206 нафар ёшга 730,2 гектар ер ажратилди.**

Деҳқончилик билан шуғулланиш истагидаги йигит-қизларга вилоят ҳокими Шухратбек Абдурахмоновнинг ўзи тупроқ билан тиллашишни ўргатаётгани уларга куч бағишлар, ердан барака топишга ишонч бераётгани аниқ. “Ёшлар санаот зоналари”ни ташкил этиш учун вилоят бўйича 75 гектар ер майдони ажратилиб, ёшлар тақлифлари ишлаб чиқилаётгани ҳам эртаимиз эгаларига берилаётган улкан имкониятларнинг бир кўринишидир.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож 5 518 нафар ёшга ердам кўрсатилад бўлса, ижтимоий ҳимояга муҳтож 23 нафар талабага “Вилоят ҳокими стипендияси” жорий этилди. Шартнома тўловини тўлаي олмаётган, шароити оғир талабаларга контракт пуллари тўлаб берилляпти.

— Уч нафар фарзандим олийгоҳда ўқийди. “Темир дафтарда” рўйхатда туримиз. Катта ўлим шартнома асосида олий ўқув юртида таҳсил олади. Унинг шартномадаги пулини тўлашга қийналиб қолгандик. Кейин ҳокимликка ёзма муурожаат қилдим. Югур-югурлар, оворагарчиликларсиз 9,5 миллион сўм шартнома пулини таълим муассасаси ҳисоб рақамига ўтказиб беришди, — дея кўзига ёш олди кўрфонтепалик онахон.

Фарзандига ёрдам қилинган оналарнинг қайси бири билан суҳбатлашманг, уларнинг қувонч ёшлари қалбингизни тўлқинлатириб ёборади.

Айни пайтда вилоятдаги 882 та маҳаллада “маҳаллабай” тизимида олиб борилаётган ишлар “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”нинг тўри юритилишини ўрганишга ҳам аниқ мудоа бўлди. Мақзур дафтарларда рўйхатда турганлар ҳаётда ўзини тиклаб олганидан сўнгинга рўйхатдан чиқарилиши мутасаддилар томонидан жойлардаги ижрочиларга кенг тушунтириляпти.

Бу борада вилоятнинг Булоқбоши, Балиқчи, Хўжаобод туманларида олиб борилаётган ишларни алоҳида эътироф этиш мумкин. 15-20 кишидан иборат ҳамкор ташкилот вакиллари билан тузилган ишчи гуруҳлар аксарият муаммоларни ўша ернинг ўзида ҳал этаётгани билан одамлар ишончини оқлаётгани қувонarli, албатта. Айниқса, миграция, ёшларнинг кредит олиши билан боғлиқ масалаларга жиддий ёндашилишти. Пандемия сабабли хорижга чиқа олмай қолган фуқароларга ишлашга боришлариға кўмаклашиляпти. Умуман олганда, аҳолини ижтимоий кўлаб-қувватлаш, муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш, ҳаётда ўз ўрнини топа олиши учун сабабчи бўлиб қолган андижонликларни ҳаётдан рози бўлиб яшашга ундайди.

Жорий йил 78 та маҳалладаги оғир худудларнинг “Обод қиллоқ” дастурига киритилиши эса ўша қишлоқларда яшовчи бочча болаларидан тортиб, нурунийларига гўзал ҳаёт завқини бахш этди, десак муболага бўлмайди. Уларнинг “хайрият, қишлоғимиз обод бўлар экан”, деб шукрона келтираётганларининг ўзи гўзалликка, ободликка интилишдир. Қишлоқларнинг янги қиёфаларини тасаввур қилаётган бундай одамларда узоқ умр кўриш, бунинг учун, аввало, соғлом турмуш тарзига интилиш, спорт билан шуғулланишга иштиёқ ҳам орта бошлади.

### ЁШЛАР ҲАМИША ИЛҒОР

Бугун аксарият катта авлод вакиллари ёшларга ҳавас қилаётгани бежиз эмас. Андижонликлар ҳам улкан салоҳияти, қалбида шижоати, билатида кучи тўла йигит-қизларга умид боғлайди. Айни пайтда вилоятда 30 ёшгача бўлганлар 1 миллион 650 минг 725 нафарни ташкил этади. Банд бўлмаганларни қисқа курсларда ўқитиш, хорижда ишламоқчи бўлган ёшларга тил ўргатиш юзасидан ҳар бир шаҳар, туманларда бепул ўқитиш тизими йўлга қўйилди.

Вилоятда тадбиркорлик билан бирини икки қилиш мақсадида юрган ёшлар талайгина. Шаҳарлар ва туманлардаги касб-хунар мактабларида 48 соатлик ўқув курсларида ўқитилаётган бўлғуси тадбиркорларнинг 916 нафарига 22 миллиард 57 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Айни пайтда нафақат уларнинг ўзлари, бутун оила аъзоларининг ҳаётга интилиши, дунёқарашини ўзгартираётган бундай саъй-ҳаракатларнинг яна бири “Ҳар бир ёшга — 10 сотих” лойиҳасидир. Лойиҳа доирасидаги ишлар алақачон бошланиб, 7206 нафар ёшга 730,2 гектар ер ажратилди.

Деҳқончилик билан шуғулланиш истагидаги йигит-қизларга вилоят ҳокими Шухратбек Абдурахмоновнинг ўзи тупроқ билан тиллашишни ўргатаётгани уларга куч бағишлар, ердан барака топишга ишонч бераётгани аниқ. “Ёшлар санаот зоналари”ни ташкил этиш учун вилоят бўйича 75 гектар ер майдони ажратилиб, ёшлар тақлифлари ишлаб чиқилаётгани ҳам эртаимиз эгаларига берилаётган улкан имкониятларнинг бир кўринишидир.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож 5 518 нафар ёшга ердам кўрсатилад бўлса, ижтимоий ҳимояга муҳтож 23 нафар талабага “Вилоят ҳокими стипендияси” жорий этилди. Шартнома тўловини тўлаи олмаётган, шароити оғир талабаларга контракт пуллари тўлаб берилляпти.

— Уч нафар фарзандим олийгоҳда ўқийди. “Темир дафтарда” рўйхатда туримиз. Катта ўлим шартнома асосида олий ўқув юртида таҳсил олади. Унинг шартномадаги пулини тўлашга қийналиб қолгандик. Кейин ҳокимликка ёзма муурожаат қилдим. Югур-югурлар, оворагарчиликларсиз 9,5 миллион сўм шартнома пулини таълим муассасаси ҳисоб рақамига ўтказиб беришди, — дея кўзига ёш олди кўрфонтепалик онахон.

Фарзандига ёрдам қилинган оналарнинг қайси бири билан суҳбатлашманг, уларнинг қувонч ёшлари қалбингизни тўлқинлатириб ёборади.

Айни пайтда вилоятдаги 882 та маҳаллада “маҳаллабай” тизимида олиб борилаётган ишлар “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”нинг тўри юритилишини ўрганишга ҳам аниқ мудоа бўлди. Мақзур дафтарларда рўйхатда турганлар ҳаётда ўзини тиклаб олганидан сўнгинга рўйхатдан чиқарилиши мутасаддилар томонидан жойлардаги ижрочиларга кенг тушунтириляпти.

Бу борада вилоятнинг Булоқбоши, Балиқчи, Хўжаобод туманларида олиб борилаётган ишларни алоҳида эътироф этиш мумкин. 15-20 кишидан иборат ҳамкор ташкилот вакиллари билан тузилган ишчи гуруҳлар аксарият муаммоларни ўша ернинг ўзида ҳал этаётгани билан одамлар ишончини оқлаётгани қувонarli, албатта. Айниқса, миграция, ёшларнинг кредит олиши билан боғлиқ масалаларга жиддий ёндашилишти. Пандемия сабабли хорижга чиқа олмай қолган фуқароларга ишлашга боришлариға кўмаклашиляпти. Умуман олганда, аҳолини ижтимоий кўлаб-қувватлаш, муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш, ҳаётда ўз ўрнини топа олиши учун сабабчи бўлиб қолган андижонликларни ҳаётдан рози бўлиб яшашга ундайди.

Жорий йил 78 та маҳалладаги оғир худудларнинг “Обод қиллоқ” дастурига киритилиши эса ўша қишлоқларда яшовчи бочча болаларидан тортиб, нурунийларига гўзал ҳаёт завқини бахш этди, десак муболага бўлмайди. Уларнинг “хайрият, қишлоғимиз обод бўлар экан”, деб шукрона келтираётганларининг ўзи гўзалликка, ободликка интилишдир. Қишлоқларнинг янги қиёфаларини тасаввур қилаётган бундай одамларда узоқ умр кўриш, бунинг учун, аввало, соғлом турмуш тарзига интилиш, спорт билан шуғулланишга иштиёқ ҳам орта бошлади.

**Муножат МҶМИНОВА,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири**



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАФКУРАСИ: ЭЗГУЛИК, ОДАМИЙЛИК, ГУМАНИЗМ

# ИСЛОМ ОЛАМИНИНГ ДУРДОНАСИ

**Иргаш ДАМИНОВ,**  
тарих фанлари бўйича  
фалсафа доктори

Жамиятдаги барча инсонларнинг бирдамлиги, ҳамжиҳатлиги, илмга интилиши умумтараққиётни белгилайди. Мустақкам илмларга асосланмасдан ривожланиш мумкин эмас. Бунинг учун эса юртимиз каби мамлакатларда асрлар давомида шаклланган ва мустақкамланган қадриятлар, буюк аждодлар мероси алоҳида ўрин тутди.



асар Имом Мотуридийнинг вафотидан 1100 йил ўтиб — янги Ўзбекистонда, Президентимиз ташаббуси билан Самарқандда ташкил этилган Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходимлари томонидан ўзбек тилига таржима қилинди.

Қайд этиш керакки, ушбу марказ қисқа вақт ичида амалга оширган 30 га яқин таржималар, ташкил этилган конференциялар хорижий етакчи экспертлари, исломшунос олимлари эътирофига сазовор бўлмоқда.

Шу ўринда мутақаллим алломалар тўғрисида тўхталаш ўринли. Чунки Имом Мотуридий аҳли сунна эътироф этган мотуридийлик маънавий асосчиси ҳам ҳисобланади. Шу сабабдан у ислом оламида "барча мусулмонлар эътиқодини тузатувчи", "ҳидоятга бошловчи имом" номи билан шухрат қозонган. Мотуридийлик таълимоти бугунги кунда 20 га яқин мамлакатда тарқалган бўлиб, багрикенг гоёлари сабабидан унинг амал қилувчилари географияси тобора кенгайиб бормоқда.

Юртимизда Имом Мотуридий илмий меросини замон талаблари даражасида тадқиқ қилиш, унинг таълимоти доирасида яратилган асарларни ўзбек тилига ўгириш орқали улардан кенг халқ оmmasи, хусусан, ёшларни хабардор этиш мақсадида Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолияти йўлга қўйилди.

Мотуридийлик таълимоти ислохотчиси Абул Муин Насафий эса "ҳақиқат қиличи" дея шарафланган. Бу ном у келтирган далилларнинг кучлилиги, бетакорлиги туфайли берилган. Унинг шоҳ асари "Табсиратул адилла" ("Далиллар билан шарҳлаш") ҳамда меросининг гултожи "Баҳрул калом" ("Калом илимида сўзлар денгизи") Президентимиз ташаббуси билан ўзбек тилига таржима қилинди.

Бундан минг йил олдин жаҳолатга қарши маърифат билан курашган, Моваруннаҳр минтақасида диний эътиқод соғломлигини таъминлашда жидду жад қўрсатган, адашганларни асл ҳидоят йўлига бошлаган Абул Муин Насафий бобомизнинг Қарши шаҳри яқинидаги Қоччин қишлоғида жойлашган зиёратгоҳи тубдан таъмирланиб, ҳар томонлама обод қилинди. У мажмуага айлантирилиб, кутубхона, музей ташкил этилганини Қашқадарё аҳолиси



Маҳмуд Замахшарий ва Абу Мансур Мотуридий амалга оширган ишлар алоҳида аҳамиятга эга. Ёзма манбаларда "Жоруллоҳ", яъни "Аллоҳнинг қўлини", дея эътироф этилувчи Замахшарий ўзининг "Қашшоф" асарини Макка амири илтимосига қўра ёзган. Бу нодир манба асрлар давомида мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган.

Абу Мансур Мотуридийнинг "Таъвилотул Қуръон" номи асари Қуръон карим тафсири ақида-калом йўналишидаги ноёб гавҳардир. Ҳанафий олимлар унинг воситасида ёт гоёли деструктив кучларга қарши курашган.

Бу асарнинг тили мураккаб, ифодаси аниқ. Шу боис, алломанинг вафотидан 200 йил ўтибгина, насафий олим Абул Муин Насафий ушбу асарга шарҳ сифатида "Табсиратул адилла" асарини ёзишга журъат қилди. Аҳамиятлиси, мажмур


кўтаринки руҳ, алоҳида ғурур билан қабул қилди.

Насафийнинг илм борасидаги қарашлари ҳам эътиборга молик. Аллома фикрича, илм жондир. Ҳар бир нарсанинг жавҳари, асоси — илм. Зеро, илмсиз киши жоҳил, жонсиз тана каби бўлиб, айни илм юксак инсонийлик аломатидир. Мазкур қараш бир муддат аввал бошқа бир ватандошимиз Ҳаким Термизий томонидан "или нурдир" тарзида ифода этилган бўлиб, бу орқали олимлар нур таратуви маъққа қисс қилинган.

Юртимизда Имом Бухорий сингари ҳақис илми даргалари бўлмиш Имом Термизий, Имом Доримий, урта буюк муҳаддиснинг, ҳатто Имом Бухорийнинг устози Абдулҳамид Кеший каби улуғ аждодларимизнинг ибратларга

тўла ҳаёти ҳамда бой илмий меросини тадқиқ қилиш мақсадида Самарқандда Ҳадис илми мактаби, Термизда Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди. Уларда фаолият кўрсатаётган мутахассислар ҳозирда кенг қўламли илмий тадқиқотларни амалга оширмоқда. Бундан ташқари, улуғ муҳаддис аллома Имом Термизий кўним топган маскан обод қилинди ҳамда табаркур қадамжого айлантирилди.

Дунё глобаллашган, таҳликали даврни бошдан кечирмоқда. Бу ҳар бир инсондан огоҳлиқни, ташқи таъсирларга қарши тура оладиган илмларни эгал-



лашни талаб этади. Шу мақсадда 2018 йилда Ўзбекистон халқаро ислом академияси таъсис этилди. Ислам академияси бугунги кунда талабаларга таълим бериш — зиё улашиш билан бир қаторда юртимиздаги диний таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштирмоқда ҳам.

Юрт алломалари асарларининг дунёнинг турли кутубхоналарида сақланаётган нодир қўлёзма нусхаларини ўрганиш, ўзбек тилига таржима қилиш учун араб тилини билиш баробарида муҳаддис ислом дини асосларининг нозик жиҳатларини англаш ҳам муҳим ҳисобланади. Шу мақсадда Бухородаги Мир Араб олий мадрасаси фаолият бошлади. Унинг юксак мақоми қайтарилди. Бу давлатимиз раҳбарининг Бухоро халқига, умуман, халқимизга улуғ тухфаси бўлди. Шунингдек, Термиз шаҳрида Имом Термизий мадрасаси 2020-2021 ўқув йили учун талабаларни қабул қилди.

Халқимизга хос муҳим фазилатлардан бири тасаввуф вакиллари эҳтиром кўрсатишдир. Шу сабабдан Бухорода Абдуллоҳиқ Ғиждувоний бошлаб берган ҳамда Баҳоуддин Нақшбанд тамомилига етказган ҳожоғон тариқати вакиллари — етти пир алломалари, Термизда Ҳаким Термизий асос солган ҳакимийлик, Қашқадарёда ривожланган Шаҳобиддин Суҳравардий номи билан боғлиқ суҳравардийлик, Тошкент шаҳридаги миллат суюқлиси Сузук ота, Шайх Зайниддин ҳамда Шайх Хованди Тоҳур қарашлари, Хоразм фахри ва мўғул босқинчиларига қарши мардонатор кураши орқали ватанпарварлик тимсолига айланган Нажмиддин Кубро ва Паҳлавон Маҳмуд, Наманган аҳли қадр қиладиган Султон Увайс Қаранийнинг одоб-ахлоққа доир фикрлари алоҳида эътиборга молик. Бу алломалар кўним топган ғушалар, айниқса, етти пир зиёратгоҳлари, Сузук ота, Увайс Қараний мажмуалари Президентимиз савъ-ҳаракатлари ҳамда раҳбарлигида батамом қайта қурилди.

Уларнинг ҳар бири — бир олам. Мероси — ҳикмат. Жумладан, Сузук ота — Хўжа Аҳмад Яссавийнинг набираси, Тошкент шаҳрининг фаҳри. Умрининг охирига қадар юзлаб шогирдларга илм бериб, уларни хунарга, ҳалол меҳнатга бошлаган. Кароматлар соҳиби, аҳолининг доно маслаҳатгўйи, хунардандлар устози, толибларнинг пир-муршиди бўлган Сузук ота Тошкентнинг уста-хунардандларига юксак эҳтиром кўрсатгани учун табаркур зот яшаган ҳудуд вафотидан сўнг Сузук ота номи билан тарих саҳифаларига муҳрланган.

Сузук ота тўқувчилик касби билан шуғулланган. Аслида, ҳалол меҳнати билан ҳаёт кечириш — пайғамбарлар мероси. Аммо Сузук ота шу фазилати билан сузук — суюкли бўлди. Шу орқали Тошкент аҳлига маънавий муаллим сифатида ўрнак бўлди. Мутасаввуф олим вафотидан 800 йил ўтиб, у кўним топган обода — Тошкентнинг гавҳари шаҳар аҳлига, азиз юртдошларимизга ҳади этилиб, қайтариб берилди.

Юқорида зикри келтирилган обидаларнинг барчаси ўзлари жойлашган ҳудуд архитектурасига хос равишда қад ростлагани туфайли ҳам гоёт ғузал ва улугвор қиёфа касб этди. Бу жозиба унга ташриф буюрувчи ҳар бир инсон қалбиди шу ватанда яшаётганидан розилик, муаззам тарихида ғурур пайдо қилаётгани табиий.

Тариқат пешволари — мутасаввуфлар руҳий қараш, ҳиссий олам вакиллари. Улардан мерос бўлиб қолган ҳикматлар тоабд тарбия воситаси бўлиб қолаверади. Жумладан, Увайс Қараний пайғамбаримиз Муҳаммад алай-ҳиссалом билан замондош бўлса ҳам, саҳоба ҳисобланмайди. Чунки у зоти шариф билан учрашмаган. Шундай улуг мақомдан мунис онасининг дуосини, хизматини афзал билган. Бу амали билан ҳар замону ҳар маконда турли ёт гоёлар таъсирида ватанини, ота онасини тарк этаётган жоҳиллар учун ибрат намунаси. Ваҳоланки, Увайс Қараний пайғамбар алай-ҳиссалом муҳлисларининг султони ҳисобланади. Манбалар шунга далolat қилади.

Буюк мутасаввуфлардан Баҳоуддин Нақшбанднинг қалб ва амал бириги, Суфи Оллоҳнинг эътиқод соғлиғи, Суҳравардийнинг халқ ичида бўлиш, уларнинг дарди билан яшаш борасидаги гоёларини таълим-тарбия жараёнига, ижтимоий-илмий ҳаётга таъбиқ



АНЖУМАН

МАЪРИФАТГА БАХШИДА УМР

ТАРИХ ДО

## МАНБАШУНОСЛИК ВА ҲАДИСШУНОСЛИК ДАРҒАСИ

**Муножат МЎМИНОВА,**  
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида ёш тадқиқотчилар республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. "Убайдулла Уватов — манбашунослик ва ҳадисшунослик дарғаси" деб номланган тадбирда давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан, маданият ва санъат намояндalari, профессор-ўқитувчилар, олимлар, марҳум устознинг яқинлари, шогирдлари ва талабалар иштирок этди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, "Меҳнат шухрати" ордени соҳиби Убайдулла Уватов бутун умрини илм-фанга бахшида қилди, юртимиз тарихи ва манбашунослик фанлари ривожига улкан ҳисса қўшди. Унинг мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, интеллектуал жиҳатдан баркамол авлодни вояга етказишдаги хизматлари беқиёс.

Конференцияда сўзга чиққанлар устоз фаолиятининг ушбу қирраларидан ташқари, илм йўлидаги беназир меҳнати, бой илмий-маънавий фаолияти, авлодларга қолдирган бебаҳо меросини алоҳида тилга олди.

— Кўплаб мутафаккирларимизнинг илмий мероси, ижодини ўрганиб, манбашунослик фаолиятини олиб борган Убайдулла Уватов билан узоқ йиллар бирга ишладик, кўплаб тадбирларда, анжуманларда иштирок этдик, — деди видеомуллоқот орқали Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмоҳон Алимов. — Олимнинг илмий мақолалари, китобларини халқимиз севиб ўқиган. Бугун эса ортида қолган солиҳ фарзандлари, шогирдлари унинг эзгу амалларини давом эттиряпти.

Дарҳақиқат, Убайдулла Уватов мустақиллик шарофати туфайли ислом оламида жуда машҳур, аммо ўша пайтларда юртимизда исми унчалик таниқли бўлмаган алломаларимизнинг ҳаёт йўли, илмий-маънавий меросидан халқимизни бохабар қилишда эзгу ишларни амалга оширди. Жумладан, Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Имом Мотуридий, Маҳмуд Замахшарий, Абу Муин Насафий, Абу Зайд Ломиший каби юртимизда қамолга етган кўплаб алломалар ҳақида биринчилардан бўлиб ўзбек тилида илмий-маърифий рисоалар нашр эттирдик.



**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН**  
МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**

"Янги Ўзбекистон" газетаси учун масъул:  
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари  
**Бахтиёр Абдусатторов**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 583.  
11950 нусخада босилди.  
**Ҳажми** — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

"Kolorpak" МЧЖ Босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Бекқул Эгамқулов  
Мусахҳиш: Ойдин Алутдинова  
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилими:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 22:40 Топширилди — 00:40